

АҚЛ-ИДРОККА ДАЪВАТ



Валентин СИДОРОВ, РСФСР.

Ильва МАККЕЙ,
Жанубий Африка
Республикаси.

Уруш ветеранлари озодлик

Жанговар қўшнлар сингар тупроққа,
Ютар қадам сасин сукунат қаъри.
Орамиздан эрта, бевақт кетмоқда
Сўнгги улуг жангнинг ветеранлари.

Жезлар хира тортиди, темир занглади,
Хандақлар тубидан майсалар унди.
Протезлар ўтаб бўлди хизматини,
Садо бермас қўлтиқтаёқлар энди.

Тонг узра тўқилар хазон басма-бас,
Кеч кузак шафағи товланар рангин.
Уларнинг захда илк ётиш эмас,
Илк бор қучишимас ерин уларнинг.

Аскар қўзлариди сўмоқда дала,
Балки юрагиди жонланди шу тоб —
Бир ҳаяжон — уни иккинчи марта
Тирилтира билмас фильм ё китоб.


Ўлим олди чил-чил синди сукунат,
Ҳавони кесди нафт асабий, қийғоч,
Ҳолсизланган овоз қичқирди шу пайт:
— Батарея, ўт оч! Батарея, ўт оч!

Поёйсиз Россия даштлари аро
Тўплар наъра тортар узлуксиз, бот-бот.
Бу сасдан кўр кўзлар топади зиё,
Чорлар аскарларни жанг сари комбат.

Титар снарядлар бўз тупроқ бағрини,
Тагин фалак тўлар безовта бонга.
Қўлсизлар олади автоматларини,
Оёқсизлар шитоб киришар жангга...

Миршўлат МИРЗАЕВ таржимаси.

Она сайёра



Рассом Одибек Бобожоновнинг «Замин — менинг дардим» асари.

Махмуд ДАРВИШ, Фаластин.

Болакайга

Сени айирдилар ёғоч
отингдан.
Юлдузларнинг нурин тортди
олдилар.
Янгилама!

Кўз қорачиқларингда
ўсиб келадир янги кун!
Биз
гўдакдан пайғамбар
яратувчиларнинг
барчасидан ақилроқимиз.

Айтгин:
«Танграм,
сендан сўрамасан енгил
ҳаётин,
ейкаларимга
қувват ато қилсанг бас».
Эшикни ҳам тортиб олдилар.
Майли. Шамол сенки.
Зулмат ёғирдилар.
Майли. Тонглар сенки.
Биз

гўдакдан пайғамбар
яратувчиларнинг
барчасидан ақилроқимиз.
Айтгин:
«Танграм,
сендан сўрамасан енгил
ҳаётин,
ейкаларимга
қувват ато қилсанг бас».
Жонали ШОДМОНОВ
таржимаси.

Чет эл матбуоти саҳифаларида

АРАБ ДРАМАТИК АСАРЛАРИ

Махшур араб ёзувчиси Али
Ақла Арсаннинг «Араб халқини
драматик асарлари» деб
номланган китоби араб ёзув-
чилари соҳибининг кенгашида
жузда юқори баҳоланди ва у
бир овоздан 1981 йили араб
дунёсига чоп қилинган энг
муваффақиятли китоб деб то-
пилди.

776 бетдан иборат бўлган
ушбу асар муаллифнинг театр
санъатини юқорида поғона-

га олиб чиқиш йўлидаги ўзин-
чи китобидир.
А. А. Арсан бу китобда жи-
дий тарзда драманинг ривож-
ланишига тўқинлиқ қилаётган
объектив ва субъектив сабаб-
ларни таҳлил этади, ўзининг
илгор фикрлари билан баъзи
кишиларни қизиқтирувчи шарҳ
санъатига оид масалаларнинг
моҳиятини баён этишга инти-
лади, бу соҳадаги маълум

бўлган араб санъаткор ва
адабиётчиларнинг, қолаверса
ҳар бир шахсининг шакллани-
ши ва иқоидига реал баҳо
беради.
Дарҳақиқат авторнинг охи-
ри йиллардаги ижоди ва фео-
литига назар солинса, 20
та драматик асар, 8 пьеса ва
театр санъатининг актери учун
қатор ўқув қўлланмалари
яратганининг гувоҳи бўлиш
мумкин.
Ҳозирги замон жаҳон дра-

матик асарларининг юксак на-
муналарини катта қизиқиш бил-
лан ўрганаётган муаллиф
театр санъати борасидаги из-
лашлар билан чекланиб қо-
лмайди, чунинчи, у кино санъ-
атида ҳам тадқиқот олиб бо-
лар экан «Овлаш жойи ва наф-
рат» сингари бир неча фильм-
ларга сценарийлар ёзди, —
деб ёзади Суриянинг «Ал-
Баас» газетаси.

Б. ГИЕСОВ.

Жонажон Ватан бўйлаб

Паришонхотирлар учун «сигнал»

Киевдаги «Эталон» тажри-
ба заводи ишлаб чиқараёт-
ган уй қўнғироқлари зимма-
сига қўшимча вазифалар
юклатилган. Қўнғироқдаги
электрон қўллама меҳмон-
лар келганлиги тўғрисида
хабар қилишдан ташқари,
узбо қўйилмаган электр ас-
бобларини хотираси паришон
уй эгаларига эслатиб ҳам
қўяди. Кетаётган киши
эшигини очиши билан трево-

га сигнали чалинади.
«Сигнал» деб аталган бу
янгиликнинг вазни ва кат-
талиги одатдаги қўнғироқ-
лардан фарқ қилмайди,
электр энергиясини эса ати-
ги 15 ватт олади. Шундай
приборлар дўконларга юбо-
рила бошлади. Йил охири-
гача яна 13 мингта ана
шундай қўнғироқ тайёрлаб
чиқарилади.




● ЕРЕВАН. Армянистондаги Х. Абовян номидаги педагог.
на институтининг мактабгача ёшдаги педагогига ва психоло-
гия факультетини битирган Маргарита Багдасарян яқиндаги.
н. Махотот қайида очилган 310-инги болалар богчасига
бориб тарбиячи бўлиб ишлаш истагини билдирди.
Кичикитойлар маснадида болаларни тарбияси ва яхши дам
олиши учун яхши шароитлар яратилган.
Э. Хачикяннинг фотоси. ТАСС фотокоринаси.

● ЛИТВА ССР. Вильнюс давлат университети зоология на-
фадрасининг доценти Ринард Казлаускас хонадонини иккинчи
ўрмон деб бемалол таърифлаш мумкин. Чунки бу хонадон
азёларни уйнинг ҳар бир хонасини сўлим табиат масканчаси.
га айлантириб юборилган. Унда ер юзининг турли ўлкалари,
га хос бўлган гузал мевали ўсимликлар, гуллар меҳр билан
парварис қилинади. Ана шу сўлим табиат қучоғида кушлар
овози бир зун ҳам тинмайди.
СУРАТДА: Казлаускас онласи напалаклар коллекциясини
кўздан кечирилти.
К. Янкаускас фотоси. ТАСС фотокоринаси.

ЛЕНИННОМА САҲИФАЛАРИ

Совет санъатшуноси П. Корнилов коллекциясидаги Лениннома асарлари революция доҳисининг ўлмас образини кўз ўнгимизда гавдалантиради. Кўндан-кўн тасвирий санъат асарлари, графика варақалари, ҳайкалтарошлик композициялари, плакатлар, ёдгорлик буюмлари, медаллар, почта маркалари В. И. Ленин номи билан боглиқ бўлиб, кўргазмада намоиш этилмоқда. Бу кўргазма В. И. Ленин марказий музейида очилди. Неча ўн йиллар мобайнида санъат ихлосманди тўплаган ноёб коллекциянинг фақат бир қисминга экспозициядан жой олган. Корнилов онласи музейга тортиқ қилган коллекцияда тўрт минг-

(ТАСС мухбири).
Москва.

Серкўёш республикамиз пойтахти Тошкент йил сайини гўзаллаштириб бормоқда. Шаҳарнинг Энгельс ва 1 Май кўчалари бундан ўн йилларча илгари пастак уйлاردан иборат эди. Эндиликда бу маскан замонвий, архитектура жиҳатидан давр талабига жавоб берадиган кўркям бинолар билан фойзли бўлиб бормоқда.

1-Май ва Энгельс кўчалари чоррахасида бир неча маъмурий ва ҳўжалик бинолари ишга тушди. Республика аҳолига маънавий хизмат кўрсатиш министрлиги биноси ёнида эса Тошкент шаҳрининг почтамини замонвий биноси ҳам жойлашган.

Медицина кўриги корхоналарда ўтказилади

Шаҳар корхоналарида ишлаётган 60 га яқин медицина, санитария қисмлари октябр ойидан бошлаб кеча-кундуз меҳнат қилаётган бўлади. Бундай тақдирларнинг юзга яқини икки сменада ишлайди. Наркология постлари учун ҳам шундай график тузилди.

Шу ҳақда хабар берган Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасининг бошлиғи Н. Тўлаев аниқ қўндағиларини ило ва қилди:

— Бундан врач ва фельдшерлар беморларни ўз хоналарида кўтиб ўтирар эканда, деган маъно чиқмайди. Шифокорлар иккинчи ва учинчи сменаларда чеклар ва курилмиш майдонларига бориб, ишчиларни медицина кўригидан ўтказадилар.

Тошкентдаги кўпчилик медицина, санитария қисмлари бундан икки йил муқаддам икки сменада ишлашга ўтган эдилар. Бу муассасалар 7.30 дан то соат 21 га қадар очилса, демак одамлар врачга сменадан олдин ва сменадан кейин киришлари мумкин. Саноатчилар, тўқимачилар, «Таштекстильмаш»да иш шу йўсинда

уюштирилган. Ана шу коллективлар тажрибаси энди ҳаммага қўл келад.

— Муаммолар борми!
— Анча жиддий муаммолар бор. Фақат бир соҳани биладиган шифокорлар етишмапти. Ҳозир кечки ва тунги сменаларда ишлайдиган меҳнатқашларнинг сонига қараб қўшимча тарзда қанча медицина кадрлари керак бўлишини аниқ-пушта ҳисоблаб чиқмоқдамиз.

Бир қанча муассасаларнинг биргаликдаги куч-ғайрати билангина Тошкент корхоналарини ишлаб чиқаришнинг тақдирини иттиҳоти усулига муваффақиятли ўтказиш мумкин. Ленинград ва Харьков шаҳарлари тажрибаси ана шундай муваффақиятли туриш партия тақдирларининг энг муҳим вазифаси эканлигини кўрсатди. Бундай куч-ғайратлар нақадар фойдали бўлишини ноябрь ойида бўладиган жиддий имтиҳон кўрсатади. Ана ўшанда ким сўз-даю ким ишда қайта қўрмоқда, равшан бўлиб қолади.



Хоккей: биринчи лига

«БИНОКОР» МАВСУМНИ БОШЛАМОҚДА

Бугун хоккей бўйича мамлакат биринчилигининг биринчи лигасида иштирок этаётган командалар мавсумининг дастлабки учрашувларини ўтказишди. «Бинокор» «Юбилей» марказий спорт саройида Тольятти шаҳрининг «Торпедо» командаси билан беллашди.

41-мавсум бошланиши арафасида биз «Бинокор» командасининг катта тренери Алексей Андреевич Гуттов билан учрашиб ундан коллектив биринчилик баҳсларига қандай тайёргарлик кўрганлиги, команда составида юз берган ўзгаришлар, коллективнинг мавсумдаги асосий мақсади ҳақида сўзлаб берилиши илтимос қилдик.

— Одатдагидек, гапини команда олдида турган вазифалардан бошламоқчиман. Бу йил биринчи ва иккинчи лига командаларида учрашувлар ўтказиш системаси ўзгариши муносабати билан анча мураккаблик вужудга келди. Биринчи даврада ҳар икки зонада дастлабки уч ўринни эгаллаган командалар олий лигада сўнгги икки ўринни эгаллаган командалар билан қўшилиб олий лигага ўтиш ҳуқуқи учун курашадилар. Ана шу коллективлар қаторидан жой олиш ниятимиз ҳам йўқ эмас. Аммо турнир тажрибамизнинг намлиги, мақсадимизни амалга оширишга тўққинлик берса ажаб эмас.

Шу боисдан ҳам асосий мақсадимиз биринчи лиганинг ўзига хос кучли коллективларидан бири бўлиб қолишдир.

Бу ерда яна бир нарсани изоҳлашга тўғри келади. Иккинчи даврадан бошлаб ҳар икки зонадаги еттидан коллектив сафига иккинчи лиганинг учтадан коллективи қўшилиди. Ҳар бир зонада ўн коллектив баҳсни бошидан бошлашди. Иккинчи даврада сўнгги уч ўринни эгаллаган икки зонадаги олти коллектив келгуси мавсумда иккинчи лигада иштирок этади. Кўришиб турибдики, кураш узоқ муддатли ва кескин бўлади.

Бу йилги мавсумга асосан

ўз баъзида тайёргарлик кўрдик. Уч турнирда қатнашиб ўйинчиларимизнинг маҳоратини синовдан ўтказдик. Уларнинг жисмоний ва тактик тайёргарликларидан камчиликлари машқлар да-

вомида бартараф этишга, коллективдаги ҳаракат уйғунлигини шакллантиришга эътибор бердик. Умуман олганда, коллектив кучли командалар билан ҳам беллашмоқда қодир.

Энди коллективда юз берган ўзгаришлар ҳақида тўхталайлик. Бу йил Тошкент хоккей мактабидан тарбияланган, команда составидан жой олган Олег Суворов, Игорь Синицин, Евгений Сазоновлар майдонга чиқишмайди.

Улар Совет Армияси сафига хизматга чақирилиди. Команда ветеранлари Виктор Зоркин, Валерий Примаченко ёшлари улғайиб қолганлиги туфайли хоккейни тарк этишди.

Устинов шаҳрининг «Иж-сталь» коллективидан спорт мастерлари Владимир Сала-рев ва Александр Голубович «Бинокор»га қабул қилинди. Бир неча мавсум Риганин «Динамо» командаси составида ўйнаган Анатолий Кромской яна ўз коллективига қайтди. Шунингдек, команда составида Тошкент хоккей мактабидан тарбияланган Собир Алихўжаев, Олег Петров, Геннадий Хитрийлар ҳам тайёргарлик машғулотларида иштирок этишди. Тўғри, улар бирданига асосий составдан жой ололмайдилар. Маҳоратларини ошириб бориб кейинчалик етуқ спортчилар бўлиш имконига эгадирлар.

Хулоса қилиб айтганда ўйинчилар ва тренерларнинг кайфияти ёмон эмас. Бунинг сабаби бор албатта. Дарвозабон Эльмир Каримов ва унинг ўринбосари Владимир Риб кўп йиллик

тажрибага эга. Дарвоза олдидаги хавфли вазиятларни бартараф этишда одатдагидек қаққонлик ва эпчиллик кўрсатишларига ишонамиз. Мудрофаа мустақамлигига ишонч бўлган жойда эса ҳужумчилар олдинги маррада дадил ҳаракат қилишди. Улар коллективимизда кам эмас. Ҳимоячи Георгий Цуканов ўз вазифасини пухта бажариш билан бирга ҳужумчиларга ҳам қўмаклашиш тажрибасига эга. Команда капитани Игорь Еригин эса қулай вазиятлардан фойдаланиш усталиридан бирдир. Уларга команда комсорги Олег Полущин, Александр Галкин, Владимир Полежаевлар самарали ёрдам беришди деган умиддамиз.

Бу йилги мавсумда кураш кескин бўлади. Чироили ўйинлар кўрсатиб тошкентлик мухлисларни ҳушуд этиш ва биринчи лиганинг кучли коллективларидан бири эканлигини амалда исботлаш асосий мақсади-миздир.

Редактор

Т. М. ҚОЗОҚБОВ.

15 СЕНТЯБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ГАРОЙИБ МУЪЖИЗА» — Санъат саройи (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20.40, да телефон 44-21-34, 44-21-44).

«БОШИДАН БОШЛА» — Қозонистон (жуфт соатларда, телефон 35-24-92), Восток (тоқ соатларда, телефон 91-14-61).

«МАКТАБ ЕШИДАГИ БОЛАЛАР УЧУН УЙИ» — Нукус (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20.45 да).

«ЧЕГЕМ ИЗҚУВАРИ» — Ватан (16, 18, 21.30).

«ОЧИНГ, ПОЛИЦИЯ» — ВЛКСМ 30 йиллиги (телефон 33-44-52), Лисувов номли (тоқ соатларда), Фестиваль (21.45).

«АЗИЗИМ» — Ватан (жуфт соатларда, сўнгги сеанс 21.30 да).

«ОНА МУҲАББАТИ» — Ўзбекистон ССР 25 йиллиги (18.30, 21.00).

«ЯКШАНБАЛИК ОТА» — Тинчлик (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20.45 да).

«КАРТОШКА ТЕРИМГА ИШКИ САЕХАТ» — Хива (21.15).

«СУДЛАНУВЧИ» — Москва (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20.40 да).

«ТАБИЁ» — Санъат саройи (кичик зал, 17, 20.30).

16 СЕНТЯБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ГАРОЙИБ МУЪЖИЗА» — Санъат саройи (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20.40, да телефон 44-21-34, 44-21-44).

«БОШИДАН БОШЛА» — Қозонистон (жуфт соатларда, телефон 35-24-92), Восток (тоқ соатларда, телефон 91-14-61).

«МАКТАБ ЕШИДАГИ БОЛАЛАР УЧУН УЙИ» — Нукус (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20.45 да).

«ЧЕГЕМ ИЗҚУВАРИ» — Ватан (12, 14, 16, 18, 21.30).

«ОЧИНГ, ПОЛИЦИЯ» — ВЛКСМ 30 йиллиги (телефон 33-44-52), Лисувов номли (тоқ соатларда), Фестиваль (21.45).

«АЗИЗИМ» — Ватан (жуфт соатларда, сўнгги сеанс 21.30 да).

«ОНА МУҲАББАТИ» — Ўзбекистон ССР 25 йиллиги (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

«ЯКШАНБАЛИК ОТА» — Тинчлик (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20.45 да).

«КАРТОШКА ТЕРИМГА ИШКИ САЕХАТ» — Хива (21.15).

«СУДЛАНУВЧИ» — Москва (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20.40 да).

«ТАБИЁ» — Санъат саройи (кичик зал, 12, 14.30, 17, 20.30).

М. Қориевнинг номидидаги Ўзбек давлат концерт-филармонияси билан...

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАР ДУСТИЛИГИ САРОИДА

21, 22, 23 сентябрь соат 20.00 да

М. ҚОРИЕВОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ КОНЦЕРТ-ФИЛАРМОНИЯ БИРЛАШМАСИ

ИЖОДИЙ КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ

РАҚҚОСАЛАР ГРУППАСИ

Билетлар СССР Халқлар дустлиги саройи кассасида соат 14.00 дан сотилмоқда.

Коллектив бўлиб келиш учун заявклар қабул қилинади.

ДИККАТ!

МАГИСТРАЛЬ ИССИҚЛИК ТАРМОҚЛАРИ РЕМОНТ ҚИЛИНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

Чилонзор массивининг 4, 5, 6 кварталларида, Муқимий, Журналина, Чилонзор кўчаларининг ўнг томонида

15 сентябрдан 25 сентябргача

ИССИҚ СУВ БЕРИШ ТУХТАТИЛАДИ

«Таштешлосет» корхонаси.

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов районидида 10-ишчи-ешлар мактаби томонидан Абдуллаев Нурилла Нейматович номли берилган 669307 номерли йўқолган

ЎРТА МАЎЎМУТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

реклама ЭЪЛОНЛАР реклама

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА

19-28 СЕНТЯБРЬ КУНЛАРИ
МОСКВА ДАВЛАТ МУЗ УСТИДА
БАЛЕТНИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ

Жаҳон, Европа ва Олимпиада чемпиони, СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери

Марина ЧЕРКАСОВА

РСФСРда хизмат кўрсатган артистлар

Владимир ЛУЗИН ва Зофяр ШОКИРОВ

уч карра СССР чемпиони

Людмила БАКУНИНА

икки карра СССР чемпиони, Европа биринчилигининг бронза медали совриндори Татьяна ВОЙТЮК ва бошқалар қатнашадилар.

Постановкачи — СССР халқ артисти, СССР давлат мукофотининг лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Михаил ГОДЕНКО.

Бош дирижёр — Носиф ПИЧХАДЗЕ.

Томошалар — 19, 22, 23, 24, 25, 26 сентябрь соат 20.00 да, 20, 21, 27, 28 сентябрь соат 17.00 ва 20.00 да бошланади.

БИЛЕТЛАР «ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИ ВА «ЎЗБЕККОНЦЕРТ» КАССАЛАРИДА, ҲАМДА РАЙОН КАССАЛАРИДА СОТИЛМОҚДА.

ТОШКЕНТ «ВОДОКАНАЛ» ТРЕСТИ


АБОНЕНТЛАРГА 15 НОЯБРГА ҚАДАР ҲАЗ

ВОДОПРОВОД-КАНАЛИЗАЦИЯ

ХУЖАЛИКЛАРИНИ

1986-87 йиллар қиш мавсумида фойдаланишга тайёрлаб қўйиш

ТАКЛИФ ЭТАДИ



Бунинг учун қуйидаги ишларни бажариш лозим:

— водопровод ва канализацияни профилактик ремонтдан чиқариш;

— вақтинча мавсумий сув тақсимлагичларни ёпиб, қўйиш;

— оқиб ётган сув қувурлари, сув сарфини ҳисобга олувчи узеллар ва сув тақсимлагичларни иситиб қўйиш.

Қиш шароитида фойдаланишга тайёрланмаган водопровод-канализация хужаликларини қўшимча оғоҳлантиришсиз шаҳар сув тармоғидан ўзиб қўйилади.

Бир йўла сув ҳақини ўз вақтида тўлаш лозимлигини эслатамиз.

ХОВЛИ ВОДОПРОВОДЛАРИНИ ҚИШДА

ФОЙДАЛАНИШГА ТАЙЁРЛАШ:

Ховли водопровод тик қувурларини қиш мавсумига иситиётганда қувурнинг ташқи сатҳи—тик қувур ва иситувчи материал оралиғида 40-60 миллиметр бўлиш қўлиши лозим.

Майдаланган сомон, қуруқ қирик, қуриган ўт ва бошқа иссиқлик ўтказмайдиган материаллар ўраш материалли бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Иситиш материалларининг қалинлиги камида 30-35 сантиметр бўлиши керак.

Сув тик қувурини ўраш учун металл тўрлар, қоп, қалин қозғ ва бошқалар қўлланилади.

Водопровод тик қувури ўрланганидан сўнг у ёғоч билан ўраб чиқилади ва бўш қолган оралиқда қирик тўлдирилади.

Қўпинча вентиленг сальниги ишдан чиқиб сув иссиқлигини сақловчи материалга оқиб кетади. Шунинг учун вентиленг таги тунука ёки шифер бўлгани ёғоч қопламадан ташқарига чиқариб, бир мунча нишаб билан ўрнатиш лозим. Ғилофнинг усти очиб ёпиладиган қопқоқ билан ёпилиб, вентиль маховиги учун туйнук қолдирилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашри-нинг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси. Тошкент шаҳри.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

«ЁВВОЙИ ҲАЙВОНЛАРИНИНГ

АРАЛАШ ГРУППАСИ»

ТОМОШАЛАРИ

ИҶБАРСЛАР, ҚОРА ПАНТЕРАЛАР, ҚОПЛОҢЛАР ВА ГЕПАРДЛАР ИШТИРОК ЭТАДИ.

Ҳайвонларни ўргатувчи — Арменистон ССРда хизмат кўрсатган артист МИХАИЛ БАГДАСАРОВ.

ВЛАДИМИР РУСАНОВ, ПАВЕЛ БОГАЧУК ва МАРТИРОС КЕШЧАНЛАРИНИНГ МАСХАРАВОЗЛИК

НОМЕРЛАРИ

Томошалар ҳар кун соат 19.30 да, шанба кунлари соат 16 ва 19.00 да, якшанба кунлари соат 13, 16 ва 19.00 да бошланади.

КАССАЛАРИНИНГ ИШ ТАРТИБИ:

МАРКАЗИЙ КАССА — соат 9 дан 20.00 гача; «БОЛАЛАР ДУНЕСИ» УНИВЕРМАГИ ОЛДИДАГИ ШАҲАР КАССАСИ — соат 11 дан 19.00 гача; ЧИЛОНЗОР САВДО МАРКАЗИДАГИ КАССА — соат 14 дан 19.00 гача

ФАРҲОД ЯРМАРКАСИДАГИ КАССА — соат 11 дан 19.00 гача;

ОЛОЙ БОЗОРИДАГИ КАССА — соат 9 дан 21.00 гача (жуфт кунлари)

БОШ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИ ЯҚИНИДАГИ САВДО РАСТАЛАРИДА ЖОЙЛАШГАН КАССА — соат 10 дан 14.00 гача.

М. ГОРЬКИЙ НОМЛИ МАЙДОН МЕТРО СТАНЦИЯСИДАГИ КАССА — соат 16 дан 20.00 гача;

ҲАМЗА НОМЛИ МЕТРО СТАНЦИЯСИДАГИ КАССА — соат 16 дан 21.00 гача. Дам олиш кун — душанба.

КОЛЛЕКТИВ БУЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

Справкалар олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-35-84.

«0—65» телефони шарофати

Агарда сиз «ХИМЧИСТКА» ФАБРИКАСИ УСТАЛАРИНИ УЙГА ТАКЛИФ ЭТИШ НИЯТИДА БУЛСАНГИЗ БУНИНГ УЧУН «0-65» ТЕЛЕФОНИ РАҚАМЛАРИНИ ТЕРИШ КИФОЙ.

ГИЛАМЛАР ВА ПАЛОСЛАР, ДИВАНЛАР, КРЕСЛОЛАР ҲАМДА СТУЛЛАР «ЭЛЕКТРОШАМПОН» МЕТОДИ БИЛАН ТОЗАЛАНАДИ.

Уй буюмлари, жиҳозларини қуяга ва ҳар хил бактерияларга қарши ишлов бериш уларнинг пугурдан кетишининг олдини олади ва айни чоғда дезинфекциялайди.

ТОЗАЛАШ БАҲОСИ: ГИЛАМЛАР — 1 кв. м. учун 85 тийин.

КРЕСЛО — 1 донаси 1 сўм;

СТУЛЛАР — 1 донаси 50 тийин;

ДИВАН — 3 сўм.

КУЯГА ҚАРШИ ИШЛОВ БЕРИШ БАҲОСИ — 1 кв. м. учун 50 тийин.

УЙГА ЧАҚИРИШ УЧУН ҚУШИМЧА ҲАҚ — 50 тийин;

БУЗОРТМА ТЕЗ ВАЖАРИЛАНЛИГИ УЧУН — барча ишлар қийматининг 50 проценти.

Ташкилотлардан пул ўтказиш йўли билан, ҳақ тўлаш шарти билан заявклар қабул қилинади.

ТОШКЕНТ «ХИМЧИСТКА» ФАБРИКАСИ.

«Союзторгреблама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

«ПАХТАКОР»

МАРКАЗИЙ

СТАДИОНИДА

16 сентябрь соат

21.00 да

СССР Халқлари IX Спар-

такнадаси программасидаги

Енгил атлетика бўйича

мусобақаларнинг

тантанали очилишига

бағишлаб

КАТТА

БАДИЙ-СПОРТ

БАЙРАМИ

ЎТҚАЗИЛАДИ

Енгил атлетика бўйича

мусобақаларда Жаҳон ва Европа чемпионлари ишти-

рок этади.

Байрам программасида қатнашадилар:

Бутуниттифоқ ва халқаро конкурсларнинг лауреатлари: Наталья НУРМУХАМЕДОВА, Мансур ТОШМАТОВ, Козим ҚАЮМОВ;

Хушовоз хонанда Насиба АБДУЛЛАЕВА

Халқаро ва Бутуниттифоқ конкурсларнинг лауреатлари

«ЯЛЛА» вокал-чолгу ансамбли

«САДО» вокал-чолгу ансамбли

Совет қирин етакчи артистларининг чиқишлари.

Стадион территориясида спорт товарлари ва соғаларнинг савдо ярмаркаси ташкил этилади.

Билетлар «ПАХТАКОР» марказий стадиони кассаларида сотилмоқда.

Коллектив бўлиб келиш учун заявклар қабул қилинади.

Кассалар дам олиш кунисиз соат 10 дан 20.00 гача очил.

Справкалар олиш учун телефон 41-30-23.

«ЮБИЛЕЙ»

МАРКАЗИЙ

СПОРТ ЗАЛИДА

СССР биринчилиги учун

ХОККЕЙ

15-16 сентябрда

«БИНОКОР» (Тошкент) — «ТОРПЕДО» (Тольятти).

19-20 сентябрда

«БИНОКОР» (Тошкент) — «ДИЗЕЛИСТ» (Пенза).

15, 16, 19 сентябрда матчлар соат 18.30 да бошланади.

БИЛЕТ